

Ahmadkhon H. RASHIDOV,
Doctoral student of the International
Islamic Academy of Uzbekistan.
A.Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: Ahmadxonrashidov@gmail.com

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-2/12

«ШОТИБИЯ» АСАРИГА ЁЗИЛГАН АРАБ ТИЛИДАГИ ШАРҲЛАР

ARABIC COMMENTARIES OF THE WORK «SHATIBIYYA»

АРАБОЯЗЫЧНЫЕ КОММЕНТАРИИ К ПРОИЗВЕДЕНИЮ «АШ-ШАТИБИЯ»

КИРИШ

Абулкосим ибн Фиррух Шотибий (538-590 х./1144-1194 м.) каламига мансуб «Хирз ал-амоний ва важх ат-тахоний» («Орзулар тумори ва қутловлар аълоси») асари муаллифнинг энг асосий илмий мероси ҳисобланади. Гарчи олимнинг бир неча асари бўлса-да, бироқ, айнан ушбу асар муаллифнинг нисбаси билан «Шотибий» ёки «Шотибия», деб шуҳрат қозонган. «Шотибия» асари манзума шаклида бўлиб, байтларининг барча бандлари «лом» ҳарфи билан тугатилган эди. Шунинг учун ҳам у, илм аҳли орасида «Ломия» қасидаси номи билан машҳур бўлган. Асар 78 бобдан иборат бўлиб, 1173 байтни ўз ичига олади¹.

«Шотибия»ни ёд олиш осон бўлган шеърый услубда ёзилгани, қироат фанининг деярли барча тармоқларини қамраб олгани, ўрта аср мадрасаларида то ҳозирги кунга қадар қироат фанидан энг асосий дарсликлардан бўлиб келгани боис унга қизиқиш ниҳоятда катта бўлган. Натижада унга бағишланган кўплаб мўъжаз ва кенг шарҳлар ёзилган. Абдулҳодий Абдуллоҳ Ҳамиту Имом Шотибийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган монографиясида уларнинг сонини 118 тага етказган бўлиб, унда шарҳлар билан бирга асарнинг мухтасар шакллари, шарҳларга

¹ Имом Шотибийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қаранг: Сиҳобиддин ал-Қасталоний. Мухтасар ал-Фатҳ ал-мавоҳибий фи манокиб ал-Имом аш-Шотибий. – Жидда: «Дор Ибн Касир», 2009. – 110 б.; Иброҳим Муҳаммад ал-Жирмий. ал-Имом аш-Шотибий – Саййид ал-қурро. – Дамашк: «Дор ал-Қалам», 2000. – 270 б.

ёзилган ҳошиялар ҳам ўрин олган (Абдулҳодий Абдуллоҳ Ҳамиту, 2005:142-198).

Биз ушбу мақолада «Хирз ал-амоний ва важх ат-тахоний»га ёзилган араб тилидаги шарҳларни келтириб ўтамиз. Мазкур шарҳларнинг рўйхати ва шарҳловчилар ҳақидаги маълумотлар асар айнан қайси даврларда ва қайси маконларда шуҳрат қозонгани, унга қайси юрт олимлари кўпроқ шарҳлар битишгани каби масалаларни ҳам ойдинлаштира олади. Албатта, «Шотибия»га фақат араб тилида шарҳлар битилмаган, унга форс ва урду тилларида ҳам шарҳлар битилган. Асарнинг бир қанча таржималари ҳамда мухтасар шакллари ҳам мавжуд. Бироқ, улар ҳақидаги маълумотлар бошқа мақола мавзусидир.

АСОСИЙ ҚИСМ

«Шотибий»га ёзилган шарҳларни кузатар эканмиз, уларнинг айримларига махсус ном қўйилмаганини, оддийгина қилиб, «Шарҳ аш-Шотибий» номи билан юритилишини, шунингдек, битта номдаги бир неча шарҳлар ҳам мавжудлигини кўриш мумкин. Биз мақола жараёнида уларнинг ортига ёзилиш вақти ёки муаллиф яшаган даврига қараб тартиб рақам билан белги қўйишга қарор қилдик.

1) «Шарҳ аш-Шотибий»-1 («Шотибий қасидаси шарҳи»). Айрим олимлар ва тадқиқотчилар «Шотибия»га битилган энг аввалги шарҳ сифатида «Ибн Ҳаддод» кунyasi билан танилган Абдурахмон ибн Исмоил Тунисий (ваф. 625 х./1228 м.) томонидан битилган мазкур шарҳни кўрсатадилар (Абдулҳодий Абдуллоҳ Ҳамиту, 2005:145). Ибн Ҳаддод «Шотибия»ни муаллифнинг ўзида ўқиб-ўзлаштирган бўлиб, Абулкосим Шотибийнинг шогирдларидан ҳисобланади (Ибн Жазарий, 2006:221).

2) «Фатҳ ал-васид» («Дарвозанинг очилиши»). Абулҳасан Илмуддин Али ибн Муҳаммад ибн Абдуссамад Ҳамадоний Саховий (558-643 х./1159-1246 м.) каламига мансуб шарҳ. У машҳур ҳадисшунос ва қироат олими ҳамда муфассир ҳисобланади. Йигирмадан ортиқ нодир асарлар муаллифи (Шамсиддин Заҳабий, 1985:123-124).

Имом Шотибийнинг асарига ёзган шарҳнинг тўлиқ номи «Фатҳ ал-васид фи шарҳ ал-қасид» деб аталади. У Имом Шотибийнинг бевосита шогирдларидан бири бўлиб, «Фатҳ ал-васид» унинг асарига битилган энг аввалги ва

Аннотация. Мазкур мақолада Имом Абулқосим ибн Фиррух Шотибий (538-590 ҳ./1144-1194 м.) қаламига мансуб «Хирз ал-амоний ва ваджҳ ат-тахоний» номли асарга битилган шарҳлар ва таржималар тўғрисида сўз юритилади. Имом Шотибийнинг бир неча асари бўлса-да, бироқ, айнан ушбу асар «Шотибия» номи билан шухрат қозонган.

«Шотибия» асари манзума шаклида бўлиб, байтларининг барча бандлари «лом» ҳарфи билан тугатилган эди. Шунинг учун ҳам у илм аҳли орасида «Ломия» қасидаси номи билан машҳур бўлган. Асар 78 бобдан иборат бўлиб, 1173 байтни ўз ичига олади.

Мақоланинг мақсади «Шотибия» асарига кимлар томонидан араб тилида қанча шарҳ битилганини ёритишидир. Мақолада «Шотибия»нинг асосан араб тилидаги шарҳлари тўғрисида сўз юритилади. Мақола муаллифи ўзининг олдинги тадқиқотларида мазкур асарнинг 39 та шарҳи тўғрисида сўз юритган ва шарҳларнинг сони бундан ҳам кўплигини аниқлаган. Мақолада мазкур асарга битилган илк шарҳ ҳақида ҳам маълумот берилган ва асарга ҳозирги кунгача шарҳлар ёзилиб келаётгани қайд қилинган.

«Шотибия» Мовароуннаҳр мадрасаларида ҳам асрлар давомида асосий ўқув дарсликларидан бири бўлиб келган. Шунинг учун, мазкур асарга Мовароуннаҳрда ҳам бир неча шарҳлар битилган. Мақолада улар тўғрисида ҳам алоҳида тўхтаб ўтилган.

Мақолани ёритишида араб ва форс тилларидаги манбаларга ва замонавий илмий адабиётларга мурожаат қилинган.

Калим сўзлар: «Шотибия», қироат, тажвид, мадраса, манба, қўлёзма, тошбосма, Қуръон, манзума, қасида.

Abstract. This article talks about the commentaries and translations of the work «Hirz al-Amani wajh at-Tahani», written by Imam Abu-l-Qasim ibn Firrukh al-Shatibi (538-590 AH / 1144-1194 CE). Although the author has several works, this particular work became known under the title «Shatibiyya».

The work «Shatibiyya» was designed in the form of a poem, and all stanzas of its verses ended with the letter «lam». This is why it is known among scholars as the qasida «Lamiyya». The work consists of 78 chapters and contains 1173 verses.

The purpose of the article is to clarify how many commentaries were written in Arabic on the work «Shatibiyya» and by whom. The article talks about the commentaries of «Shatibiyya» mainly in Arabic. In his previous research, the author of the article mentioned 39 commentaries of this work and found that the number of commentaries was much higher. The article also provides information about the first commentary written on this work, and it is noted that commentaries are being written on the work until now.

«Shatibiyya» has been one of the main textbooks for centuries in Mawarannahr madrasahs. Therefore, several commentaries on this work were also written in Mawarannahr. The article also discusses them separately.

In covering the article, sources in Arabic and Persian languages and modern scientific literature were referred to.

Keywords: «Shatibiyya», recitation, tajwid, madrasah, source, manuscript, lithograph, Qur'an, manzuma, qasida.

Аннотация. В статье рассматриваются комментарии к произведению имама Абулкасима ибн Фирруха Шатиби (538-590 гг. хиджры/1144-1194 гг. н. э.) - «Хирз аль-Амани ва-ваджх ат-Тахани». Несмотря на наличие у автора других произведений, именно данное произведение получило известность под названием «аш-Шатибия».

Произведение «аш-Шатибия» написано в стихотворной форме, и каждое двустишие (араб. байт) завершается арабской буквой «лам». Именно по этой причине среди ученых оно известно как касыда «Ламия». Данное произведение состоит из 78 глав и содержит 1173 двустиший.

Цель статьи заключается в предоставлении информации об авторах и количестве арабоязычных комментариев к произведению «аш-Шатибия». Таким образом, в статье речь главным образом идет о комментариях к «аш-Шатибия» на арабском языке. В прошлых своих исследованиях автор статьи сообщает о 39 комментариях к данному произведению. Дальнейшие исследования выявили большее количество комментариев. В статье также представлена информация о самом первом комментарии этому произведению, а также подчеркивается, что составление комментариев продолжается и по сей день.

На протяжении многих веков «аш-Шатибия» являлась одним из основных учебников в школах (медресе) Трансоксианы (Мавераннахр). По этой причине в Трансоксиане также были написаны несколько комментариев к этому произведению. В статье им уделяется отдельное внимание.

Для написания статьи были использованы источники на арабском и персидском языках, а также современная научная литература.

Ключевые слова: «Шатибия», декламация, таджвид, медресе, источник, рукопись, литография, Коран, манзума, касыда.

бизнинг давримизгача етиб келган шарҳлардан ҳисобланади.

«Шотибия»нинг шуҳрат қозонишига ушбу шарҳ туртки бўлган, дейиш мумкин. Асар Муҳаммад Идрисий таҳқиқи билан Риёз шаҳрида 4 жилд қилиб нашр этилган (Илмуддин Саховий, 2002:1512).

Имом Шотибийнинг «Ақилат ал-атроб» номли қироатга оид қасидасига ҳам Илмуддин Саховий илк бор «ал-Васила ила кашф ал-Ақила» деган шарҳ ёзган.

3)«Шарҳ қасидат аш-Шотибий фи заот ал-Қуръон» («Қуръон зиёсида Шотибий қасидасига шарҳ»). Илмиддин Саховийнинг «Шотибий»га ёзган иккинчи шарҳи бўлиб, у мўжаз шарҳ ҳисобланади. Унинг бир нусхаси тўғрисида «Фатҳ ал-васид» муҳаққиқи Муҳаммад Идрисий хабар берган бўлиб, унинг айтишича, қўлёзма нусхаси Мадинаи мунавварада Ислон университетининг кутубхонасида 3916/II рақами билан сақланади. Мазкур шарҳ 632 х./1235 м. йили ёзилган (Илмуддин Саховий, 2002:77).

4)«Ал-Муҳаннад ал-қозибий» («Кескир қилич»). «Ибн ас-Сакан» куняси билан танилган Абул-Аббос Аҳмад ибн Али Андалусий (ваф. 640 х./1242 м.) шарҳи бўлиб, тўлиқ номи «Ал-Муҳаннад ал-қозибий фи шарҳ қасид аш-Шотибий» дейилган (Иброҳим Муҳаммад Жирмий, 2000:149). У Андалусиядан чиққан қироат олими ҳисобланади. Унинг шарҳи ҳам «Шотибия»га битилган илк шарҳлардан бири ҳисобланади. «Ал-Муҳаннад ал-қозибий» 2017 йили Арабистоннинг Даммом шаҳрида 896 саҳифалик қилиб нашр этилган.

5)«Шарҳ аш-Шотибий»-2 («Шотибий қасидаси шарҳи»). Шамсиддин Муҳаммад ибн Маҳмуд Самарқандий (ваф. 640 х./1242 м.) шарҳи. Имом Шотибий асарига мовароуннаҳрлик олимлар томонидан ёзилган илк шарҳлардан бири Муҳаммад ибн Маҳмуд Самарқандий томонидан битилган. Унинг асари «Китоб ат-Ташхир ʼала тариқ ат-ташжир фи усул ал-қироат ʼала тариқ аш-шотибия ва-т-тайсир» деб аталади. Унинг бир қўлёзма нусхаси ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида 2561 рақами билан сақланади. Китоб муқаддимасида Шотибийнинг усулий қоидаларини 3 та китобда шарҳладим, дейди (Маҳмуд ибн Аҳмад Самарқандий,). Демак, Муҳаммад ибн Маҳмуд Самарқандийнинг Шотибий асарларини илк ўрганган мовароуннаҳрлик олимлардан ҳисобланади.

6)«ал-Муфид фи шарҳ ал-Қасид»-1 («Қасида шарҳида фойда берувчи»). Илмиддин Қосим ибн Аҳмад ибн Муваффақ Лавракий (575-661 х./1180-1263 м.) асари. Муаллиф андалусиялик етук қироат олимларидан бири бўлиб, муаллиф Қоҳира, Дамашқ ва Бағдодда илмий фаолият олиб борган. Ушбу шарҳнинг қўлёзма нусхалари Дамашқнинг «Зоҳирия» кутубхонасида 7187, Истанбулнинг «Сулаймония» кутубхонаси Ҳасан пошшо бўлими 72 рақамлари билан сақланади (Абдулҳодий Абдуллоҳ Ҳамиту, 2005:157).

7)«Шарҳ аш-Шотибий»-3 («Шотибий қасидаси шарҳи»). «Ибн ан-Нажжор» куняси билан танилган олим Муҳиббуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳасан Бағдодий аш-Шофиъий (578-643 х./1182-1246 м.) шарҳи. У машҳур тарихчи олимлардан ҳисобланади. Мадинаи мунаввара, Қуддуси шариф ва Бағдод шаҳарлари тарихига оид асарлари мавжуд (Шамсиддин Заҳабий, 1985:131-134).

8)«Ад-Дуррат ал-фарида» («Нодир марварид»). Рашидуддин Абу Юсуф Мунтажаб (Ҳусайн) ибн Абдулғизз ибн Яъқуб Ҳамадоний (ваф. 643 х./1246 м.) шарҳи. У ҳамадонлик қироат ва наҳв олими бўлиб, Қоҳирада, кейинчалик Дамашқда илмий фаолият олиб борган (Муҳаммад ибн Абдулкарим, 2021:3778). У зот Илмуддин ас-Саховийдан кейин Имом Шотибийнинг асарига «ад-Дуррат ал-фарида фи шарҳ ал-қасида» («Қасидани ечишда нодир марварид») номли катта шарҳ битган. Мазкур асар 5 жилд қилиниб, 2012 йили Риёз шаҳрида нашр этилди.

9)«Ал-Лаолий ал-фарида» («Нодир дурлар»). Ҳанафий олими Абу Абдуллоҳ Жамолиддин Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Муҳаммад Юсуф Фосий Муқрий (580-656 х./1185-1258 м.) қаламига мансуб шарҳ. Фосда туғилиб-ўсган бўлса-да, Ҳалабда яшаган. Мисрга келиб, Имом Шотибийнинг шогирдларида ўқиган. Унинг хати чиройли бўлгани боис хаттот сифатида ҳам танилган. Имом Шотибийнинг қасидасига ўртача ҳажмдаги шарҳ битган ва уни умрининг охирларида тугатган (Шамсиддин аз-Заҳабий, 1997:1155). Асар «ал-Лаолий ал-фарида фи ҳалл ал-қасидат аш-Шотибия» («Шотибия қасидасини ҳал қилишда нодир дурлар») ёки «ал-Фаридат ал-боризия» («Ёрқин дур») деб ҳам аталади. «Кашф аз-зунун»да уни 672 х. сафар ойида тугатилган, деб хатога йўл қўйилган (Ҳожи Халифа, 1941:647).

Асар юртдошимиз Абдуллоҳ Абдулмажид Намангоний томонидан Маккаи мукаррамада Умм ал-қуро университетида 1999-2000 йилларда магистрлик диссертацияси ўларок тадқиқ қилинган ва 3 жилдда «ал-Лаолий ал-фарида фи шарҳ ал-Қасида» номи билан нашр этилган. «Ғоят ан-нихоя»да унинг шарҳини «жуда гўзал» деб таърифланган (Ибн Жазарий, 2006:109).

10) «Иброз ал-маоний» («Маъноларни намоён этиш»). «Абу Шома ал-Мақдисий» номи билан шуҳрат қозонган олим – Абдуррахмон ибн Исмоил ибн Иброҳим Мақдисий Димашкий Шофиъий (599-665 х./1202-1267 м.) қаламига мансуб шарҳ. Абу Шома Мақдисий таниқли муҳаддис, ҳофиз, муаррих, муфасссир, фақиҳ, мутакаллим, наҳв ва қироат олими ҳисобланади. У илм-фаннинг деярли барча соҳаларига оид асарлар тасниф этган (Хайриддин аз-Зириклий, 2002:299).

Абу Шома Мақдисийнинг Шотибий асарига битган шарҳи ҳам катта шуҳрат қозонган бўлиб, бир неча марта нашр этилган. 2014 йили Малайзиянинг «Мадина ал-оламия» университетида Ғазза бинти Ҳошим Муиний «Имом Абу Шома Мақдисий ва унинг «Иброз ал-маоний» китобидаги услуби» мавзусида докторлик диссертацияси ҳимоя қилган.

Абу Шома Мақдисий «Ҳирз ал-амоний»га катта ҳажмли шарҳ битганини ва уни қисқартириб, унинг мухтасар вариантини ҳам яратганини, шу қисқа вариантнинг ўзи 2 жилд бўлганини айтиб ўтган (Ғазза бинти Ҳошим Муиний, 2014:119). Шарҳнинг катта варианты охирига етмаган, унинг ўртача варианты ушбу «Иброз ал-маоний» ҳисобланади (Ҳожи Халифа, 1941:647).

11)«Канз ал-маоний»-1 («Маънолар хазинаси»). Муҳаммад Шуъла номи билан танилган қироат олими Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Мавсилий Ҳанбалӣ (623-656 х./1226-1258 м.) шарҳи. Унинг Ибн Муваққаъ номли қунаси ҳам бўлган. Ҳалаб ва Қоҳирада илм олган. Унинг етти қироатга бағишланган «аш-Шамъат ал-музия» («Зиё сочувчи шам») асари «ро» ҳарфи билан тугайдиган манзумалардан биридир (Хайриддин Зириклий, 2002:321).

Муҳаммад Шуъланинг Имом Шотибий қасидасига ёзган мазкур «Канз ал-маоний» номли шарҳи илм аҳли орасида анча машҳур бўлиб, бир неча марта нашр этилган. Жумладан, 1914 йилда Тошкентда ҳам тошбосма усулида чоп этилган.

«Канз ал-маоний»да шориҳ учта қондани асос қилиб олган: мабодий, лавоҳиқ ва мақосид. Бу қондаларнинг биринчисида луғат, иккинчисида эъроб қондалари, учинчисида каломнинг мақсади – умумий маъно изоҳи кўриб чиқилган (Ҳожи Халифа, 1941:647).

12)«Шарҳ аш-Шотибий»-4 («Шотибий қасидаси шарҳи»). «Ибн Абу Заҳрон» қунаси билан танилган олим – Имоуддин Абу-л-Ҳасан Али ибн Яъқуб ибн Шужо Мавсилий аш-Шофеий (ваф. 682/1284) қаламига мансуб шарҳ. У Дамашқда қорилар шайхи бўлган. Унинг тажвидга оид «ат-Тажрид» асари шуҳрат топган. Ибн Абу Заҳроннинг Имом Шотибий асарига ёзган шарҳи йирик ҳажмли бўлиб, IV жилддан иборат бўлган. «Ҳадият ал-орифин»да уни охирига етмаган, дейилган (Исмоил бошо, 2017:637).

13) «Кашф ар-Румуз» («Рамзларнинг кашф бўлиши»). Ибн Луълу қунаси билан танилган Тақийуддин Абу Бакр Яъқуб ибн Бадриддин Юсуф Димашкий Заҳабий Жароидий (ваф. 688 х./1290 м.) шарҳи. Мазкур шарҳда Имом Шотибий ишлатган рамзий ишораларни очиб кўрсатишга ва мушкул ўринларнигина шарҳлашга ҳаракат қилган (Ҳожи Халифа, 1941:647). Унинг шеърлар девони, адабиётшуносликка оид асарлари ҳам мавжуд.

14)«Шарҳ аш-Шотибий»-5 («Шотибий қасидаси шарҳи»). Али ибн Юсуф Лаҳмий (ваф. 713 х./1314 м.) шарҳи. У «ал-Азҳар» жомеида қироатдан дарс берган. Муаллиф тўғрисида маълумотлар кам. Асари энг гўзал шахрлардан бўлгани қайд қилинган (Ибн Жазарий, 2006:585).

15) «Канз ал-Маоний»-2 (Маънолар хазинаси). Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Умар ибн Иброҳим ибн Халил Жаъбарий (640-732 х./1242-1332 м.) қаламига мансуб шарҳ. У асли Фрот дарёси қирғоғидаги Жаъбар қалъасидан бўлган. Шофеий олимларидан. Таниқли қироат соҳиби Имом Жаъбарий умрининг охиригача Фаластиндаги Халил шаҳрида истиқомат қилган. Шунинг учун у Шайх Халил лақаби билан ҳам шуҳрат қозонган. Унинг Ибн Сирож, Тақийуддин, Бурҳониддин номли лақаблари бўлган. Олим юзга яқин асарлар ёзиб қолдирган (Хайриддин Зириклий, 2002:55). Унинг алоҳида қироатга бағишланган «Хулосат ал-Абҳос» ҳамда Имом Шотибийнинг қасидасига ёзган мазкур 691 х./1292 м. йили ёзган «Канз ал-маоний» асарлари шуҳрат топган. Мазкур шарҳ Имом Шотибий

қасидасига битилган энг яхши ва энг дақиқ шарҳ сифатида эътироф этилади (Ҳожи Халифа, 1941:646).

«Канз ал-маоний»га бир қанча ҳошиялар ва таълиқалар ҳам битилган. Жумладан, Шамсиддин Фанорий (ваф. 835 х./1431 м.), Муҳаммад Кавмий (ваф. 947 х./1541 м.), Ибн Дуррий (ваф. 1150 х./1738 м.), Ибн Мунжирра (ваф. 1179 х./1766 м.), Муҳаммад Фосий (ваф. 1214 х./1800 м.), Идрис Бақровий (ваф. 1257 х./1842 м.) ва бошқаларнинг ҳошияларини мисол келтириш мумкин (Абдулҳодий Абдуллоҳ Ҳамиту, 2005:173-177).

16) «ал-Фаридат ал-боризия фи шарҳ аш-Шотибия» («Шотибия» шарҳида равшан ягона дурр). «Ибн ал-Боризий» куняси билан танилган Шарафуддин Абу-л-Қосим Ҳибатуллоҳ ибн Нажмуддин Абдулрахим ибн Шамсуддин Иброҳим Ҳамавий Шофейй Боризий (645-738 х./1248-1338 м.) қаламига мансуб шарҳ. У муфасссир, муҳаддис, фақиҳ ва кироат олими бўлиб, кироатга оид «ас-Суръа фи-л-кироат ас-сабъа» номли Имом Шотибий асари асосида ёзилган китоби ҳам шуҳрат қозонган. Бундан ташқари, унинг йигирмага яқин асарлари мавжудлиги манбаларда келтирилади (Хайридин аз-Зириклий, 2002:73).

17) «Фароид ал-маоний» (Маънолар дурдоналари). Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Довуд Санҳожий (672-723 х./1273-1323 м.) қаламига мансуб шарҳ. У «Ибн Ожуррум» куняси билан танилган, Фосда туғилиб ўсган наҳв олими. Унинг наҳвга оид «ал-Ожуррумийа» асари машҳур бўлиб, унга бир қанча шарҳлар ёзган. Ибн Ожуррумининг Имом Шотибийнинг қасидасига битган шарҳи икки жилддан иборат бўлиб, Работ кутубхонасида Қ146 рақаида муаллифнинг ўз дастхати билан кўчирилган автограф нусхаси сақланади (Абдулҳодий Абдуллоҳ Ҳамиту, 2005:163-164).

18) «Тазҳиб ал-умния фи таҳзиб аш-Шотибия» («Шотибия»ни ўқитишда истакларни тилладек ярқиратиш»). У Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Юсуф ибн Абдулмалик ибн Авона Қайравоний (ваф. 730 х./1330 м.) шарҳи. «Ҳадият ал-орифин»да уни 3 дафтар экани айтилган (Исмоил бошо, 2017:107).

19) «Шарҳ Ҳирз ал-амоний» («Ҳирз ал-амоний»га шарҳ). Абу-л-Фараж Такийуддин Абдулрахмон ибн Абдулмуҳсин ибн Умар ибн Абдулмунъим Ансорий Воситий Рифоий Шофейй (674-744 х./1275-1343 м.) қаламига

мансуб шарҳ. У ҳадисшунос олимлардан бири бўлиб, ҳадис соҳасида ўзининг «ал-Луълуа» асари билан шуҳрат қозонган (Хайридин аз-Зириклий, 2002:314). Имом Шотибийнинг қасидасига бағишланган иккита шарҳи ҳам бўлгани манбалардан маълум.

20) «Кашф ал-маоний фи шарҳ Ҳирз ал-амоний» («Ҳирз ал-амоний»нинг шарҳида маънолар кашфи). Юсуф ибн Асад Ахлотий Аббосий томонидан ёзилган шарҳ. Муаллиф тўғрисида маълумотлар йўқ, ҳисоби. Асарнинг қўлёзма нусхалари Работ, Истанбул, Маккаи мукаррама қўлёзма фондларида сақланади, лекин, ҳозиргача нашр этилмаган.

21) «Шарҳ аш-Шотибий»-6 (Шотибий қасидаси шарҳи). «Ибн ал-Хатиб Байт ал-Абор» куняси билан танилган Юсуф ибн Абу Бақр (ваф. 725/1325) шарҳи. Унинг шарҳи алоҳида номга эга бўлмаса-да, икки жилддан иборат катта шарҳ бўлган (Ҳожи Халифа, 1941:648).

22) «ал-Муфид фи шарҳ ал-Қасид»-2 («Қасида шарҳида фойда берувчи»). «Ибн Жубора» куняси билан танилган ханбалий олими Шаҳобиддин Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ибн Абдулвалий ибн Жубора Макдисий Мардовий Солиҳий (648-728 х./1328) шарҳи. «Ғоят ан-нихоя»да «У гўзал шарҳ, лекин, узоқ эҳтимолий фикрлар мавжуд», дейилган (Ибн Жазарий, 2006:122).

23) «ал-Футухот ал-маккия ва-л-қудсия фи шарҳ аш-Шотибия» («Шотибия» шарҳида Қуддус ва Макка фатҳлари). Мазкур шарҳ ҳам Ибн Жубора қаламига мансуб бўлиб, аввалги шарҳининг кенгайтирилган варианты ҳисобланади. Шарҳнинг 4 жилд бўлгани айтилган (Хайруллоҳ аш-Шариф, 2000:38).

24) «Шарҳ аш-Шотибий»-7 (Шотибий қасидаси шарҳи). Ибн Умму Қосим куняси билан танилган Бадриддин Ҳасан ибн Қосим ибн Абдуллоҳ Муродий Мағрибий Мисрий Моликий (ваф. 749 х./1349 м.) қаламига мансуб шарҳ. Мисрда яшаган моликийлик мазҳабига мансуб ушбу олимнинг яна ўнга яқин асарлари, жумладан, Қуръонга ёзган ўн жилдли тафсири бўлган (Хайридин аз-Зириклий, 2002:211).

25) «Ал-Иқд ан-назид фи шарҳ ал-Қасид» («Қасиданинг шарҳида терилган маржон»). Шаҳобиддин Аҳмад ибн Юсуф Самин Ҳалабий (ваф. 756 х./1355 м.) қаламига мансуб шарҳ. Унинг тўлиқ номи «ал-Иқд ан-назид фи шарҳ ал-қасид» бўлиб, Фосий ҳамда Абу Шома

шарҳлари асосидаги янгича шарҳ ҳисобланади. «Кашф аз-зунун»да уни муаллиф «Эъроб ал-Қуръон» асарини ёзгандан кейин битган, дейди (Ҳожи Халифа, 1941:647). Мазкур «ал-Иқд ан-назид» шарҳи йирик ҳажмли бўлиб, унинг устида магистрлик ва докторлик диссертациялари қилинган ҳамда давримизнинг кироат олимларидан Айман Рушдий томонидан 1470 бетли қилиб нашр ҳам этилган (Самин Ҳалабий, 2001:1470).

26) «Мубарриз ал-маоний» («Маънолар очувчиси»). Муҳаммад ибн Амр ибн Али ибн Аҳмад Имодий (ваф. 762 х./1361 м.) қаламига мансуб шарҳ. У мазкур шарҳини умрининг охирида 1361 м. йилда ёзиб битирган (Исмоил бошо, 2017:62).

27) «ал-Жавҳар ан-назид» («Тизилган жавҳар»). Ибн Жандий куняси билан танилган Абу Бакр Юсуфуддин Абдуллоҳ ибн Ойдуғди Жандий (ваф. 769/1368) ҳанафий олимнинг шарҳи. У Мисрда қорилар шайхи бўлган. Шарҳнинг тўлиқ номи «ал-Жавҳар ан-назид фи шарҳ ал-қасид» деб аталган. Унинг ўн уч кироатга бағишланган «ал-Бўстон» номли асари ҳам бўлган. Ибн Жандий ўз шарҳида Имом Жаъбарийнинг шарҳларини ҳам изоҳлаб кетган (Ҳожи Халифа, 1941:648). Арабистонда мазкур асар бўйича бир нечта докторлик диссертациялари ёқланган.

28) «Танқиҳ ал-Усул» («Аслларни тартиблаш»). Нукракор лақаби билан танилган Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Жамолиддин (ваф. 776/1375) ҳанафий олимнинг шарҳи. Унинг нахв ва фикҳга оид асарлари кўп. Улар қаторида Имом Шотибий қасидасининг нахвий ва луғавий томонларига эътибор қаратган шарҳи ҳам бор (Исмоил бош, 2017:467).

29) «Сирож ал-Қори» («Қорининг чироғи»). Ибн ал-Қосих куняси билан танилган олим – Абу-л-Қосим Али ибн Усмон ибн Муҳаммад ибн Қосих Адарий Бағдодий (ваф. 801 х./1399 м.) шарҳи. У машҳур кироат олимларидан ҳисобланади. Унинг кироатга бағишланган ўнга яқин асарлари мавжуд. Мазкур шарҳининг тўлиқ номи «Сирож ал-қори ал-мубтадий ва тизкор ал-мукрий ал-мунтаҳий» (Тугалловчи мураттаб қорига эслатма ва бошловчи қорининг чироғи) деб аталган. Асар Қоҳирада «Ҳалабий» матбаасида 1954 йилда нашр этилган (Ибн Қосих, 1954:420).

30) «Шарҳ аш-Шотибий»-8 (Шотибий қасидаси шарҳи). Шарафуддин Садақа ибн Салом ибн Ҳусайн Масҳароий Димашкий

(760-825 х./1358-1422 м.) қаламига мансуб шарҳ. Дамашқнинг Масҳаро номли қишлоғида туғилган. Унинг яна шоз кироатлар бўлмиш 3 та кироат йўналишига бағишланган асари ҳам бўлган (Хайриддин аз-Зириклий, 2002:202). Олим машҳур кироат олими Ибн Жазарийнинг устозларидан бўлиб, «Жоме ал-Умавий»да дарс берган (Ибн Жазарий, 2006:336).

31) «Талхис ал-маоний фи шарҳ Ҳирз ал-амоний» («Ҳирз ал-амоний» шарҳида маънолар ҳулосаси) Абу-л-Аббос Иззуддин Ҳамза ибн Аҳмад Ҳусайний Димашкий Ҳанафий (ваф. 874 х./1470 м.) қаламига мансуб шарҳ. Унинг тарих ва фикҳга оид асарлари ҳам бўлган. Имом Шотибийнинг қасидасига битган мазкур шарҳнинг қўлёзмаси Бурсада Бобо Афанди кутубхонасида сақланади (Исмоил бошо, 2017:337).

32) «ал-Абқарий» («Буюк истеъдод»). Шайхулислом Шамсиддин Аҳмад ибн Исмоил Куроний (ваф. 893 х./1488 м.) қаламига мансуб шарҳ. У ҳанафий олими бўлиб, Истанбулда Шайхулислом бўлган. Мазкур шарҳ Имом Жаъбарийнинг шарҳига таълиқа ҳисобланади. Мазкур таълиқага таниқли ҳанафий олими Шамсиддин Фанорий (ваф. 834 х./1430 м.) хошия ёзган (Ҳожи Халифа, 1941:647) (Ҳожи Халифа, 1941:647). Шайхулислом Куронийнинг Қуръон тафсирига ёзган «Ғоят ал-амоний» номли тафсири, «Саҳиҳи Бухорий»га битган «ал-Кавсар ал-жорий» номли шарҳи ҳам бўлган (Ҳифзуллаҳмон Кумуллоий, 2018:325).

33) «Шарҳ аш-Шотибий»-9 («Шотибий қасидаси шарҳи»). Бурҳониддин Иброҳим ибн Мусо Каркадий Шофейй (ваф. 893/1488) шарҳи. Асарда Имом Шотибий қасидасининг энг қийин байтлари ва нозик нукталарига шарҳ ёзилган (Ҳожи Халифа, 1941:647).

34) «Шарҳ аш-Шотибий»-10 («Шотибий қасидаси шарҳи»). Шаҳобиддин Аҳмад ибн Юсуф Ҳаскафий (ваф. 895/1490) қаламига мансуб шарҳ. У шофейй мазҳабида бўлиб, Ҳалабда қозилик қилган. Унинг шофейй мазҳабида доир IV жилдли «Кашф ад-дурар» номли асари мавжуд. Шунингдек, Нажмиддин Умар Насафийнинг машҳур ақида ҳақидаги рисоласига «Тухфат ал-фавоид» номли шарҳ битган (Исмоил бошо, 2017:136).

35) «Шарҳ аш-Шотибий»-11 («Шотибий қасидаси шарҳи»). Машҳур олим Жалолиддин Суютий томонидан битилган шарҳ. «Кашф

аз-зунун»да ушбу шарҳни «шарҳи мамзуж» деб аталган (Ҳожи Халифа, 1941:648). Шарҳ 884 х./1480 м. йили битилган бўлиб, замонавий нашри 2004 йилда амалга оширилган (Жалолиддин Суютий, 2004:455).

36)«ад-Дуррат ал-музия» («Зиё сочувчи дур»). Али ибн Носир Маккий (ваф. 916 х./1511 м.) томонидан битилган ушбу шарҳнинг бир қўлёзма нусхаси Истанбулда Тўпқопи саройи кутубхонасида 1647 рақами билан сақланади. Шарҳ яна «Ҳалли румуз аш-Шотибия» («Шотибия» рамзларини ечиш») деб ҳам аталади (Абдулҳодий Абдуллоҳ Ҳамиту, 2005:186).

37)«Фатҳ ад-Доний» («Энг яқин фатҳ»). Шаҳобиддин Абулаббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр Қасталоний (851-923 х./1448-1517 м.) машҳур муҳаддис, тарихчи, фақиҳ ва қироат олимнинг шарҳи. Мисрда туғилган, Маккада яшаган ва Қоҳирада вафот этган. Унинг айниқса «Саҳиҳи Бухорий»га бағишлаб ёзган «Иршод ас-сорий» номли шарҳи ҳамда сийратга бағишланган «ал-Мавоҳиб ал-ладуния» асари шуҳрат қозонган (Хайриддин Зириклий, 2002:232). Шунингдек, унинг «Саҳиҳи Муслим»га атаб битган «ал-Ибтиҳож» номли шарҳи ҳам бизгача етиб келган. Шаҳобиддин Қасталонийнинг тўлиқ номи «ал-Фатҳ ад-доний мин канз Ҳирз ал-амоний» («Ҳирз ал-амоний» хазинасидан олинган энг яқин фотиҳа») номли Имом Шотибий қасидасига битган шарҳида бошқа асарларда топилмайдиган фойдали маълумотлар мавжуд (Ҳожи Халифа, 1941:647).

38) «ал-Ғоят» («Мақсад»). Жамолиддин Ҳисний номи билан танилган Ҳусайн ибн Али ибн Абдурахмон Ҳасибий (ваф. 971 х./1564 м.) қаламига мансуб шарҳ. У таникли қироат олими ҳисобланади, унинг йигирмага яқин асарларининг аксарияти қироат илмига оид. «ал-Ихтиёр», «Тухфат ал-барара», «ал-Жавҳара», «ал-Иноя», «Кифоят ал-муҳаррара» каби қироатга оид асарлари қаторида Имом Шотибийнинг қасидасига атаб ёзган икки жилддан иборат шарҳи – «ал-Ғоят» шарҳлар орасида алоҳида ўрин тутади (Ҳожи Халифа, 2010-51). У шарҳини 960 х./1552 м. йилда ёзиб тугатган (Исмоил бошо, 2017:318). Унинг бир қўлёзма нусхаси Маккаи мукаррамада «Ҳарам» кутубхонасида 656 рақами билан сақланади.

39)«Шарҳ аш-Шотибий»-12 («Шотибий қасидаси шарҳи»). Мавлоно Али Қори ибн Султон Муҳаммад Ҳаравий (ваф. 1014 х./1616 м.) шарҳи.

Энг муҳим ва жуда эътиборли ҳамда мукаммал шарҳлардан бири. Али Қори 200 дан ортиқ асарлар муаллифи бўлиб, шулардан бир нечтаси қироат илми ва «Шотибия»га бағишланган².

40)«аз-Зобития ли-ш-Шотибия ал-Ломия» («Шотибиянинг забт этувчи шарҳи»). Мавлоно Али Қори ибн Султон Муҳаммад Ҳаравий (ваф. 1014 х./1616 м.) нинг иккинчи шарҳи. Асар «Шотибия»нинг айрим байтларига шарҳ бўлиб, шориҳ уни вафотидан уч йил илгари 1011 хижрий йилнинг жумодий ал-охирнинг аввалида Каъбаи муаззама қаршисида ўтириб тугатган (Али Қори, 2013:446). Бу 1602 милодий йилнинг 15 ноябрь кунларига тўғри келади.

Мазкур шарҳда Али Қори олдинги тўлиқ ва мукаммал шарҳида келтирмаган ва эътибор бермаган айрим фикрларига янги ва қўшимча маълумотлар берган (Али Қори, 2013:30). Шу тарика у «Шотибия»нинг 112 та байт ёки мисраси тўғрисида алоҳида изоҳ қолдирган.

41)«Шарҳ аш-Шотибий»-13 («Шотибий қасидаси шарҳи»). Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Хусайний Мағрибий Табловий (ваф. 1027 х./1618 м.) шарҳи. Унинг қироат, фикҳ, наҳвга оид асарлари мавжуд бўлиб, улар қаторида Имом Шотибий асарига ҳам шарҳ битган (Исмоил бошо, 2017:475).

42)«Изҳор ал-маоний» («Маънолар изҳори»). Абу-л-Мунтаҳо куняси билан танилган ҳанафий олими Шаҳобиддин Аҳмад ибн Муҳаммад Мағнисовий (1592-1679) қаламига мансуб кичик ҳажмли шарҳ. Шориҳ Туркиянинг Мағнисо шаҳарчасидан бўлган. Унинг иккита асари борлиги маълум. Биринчиси Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг «Фикҳ ал-акбар» асарига ёзган шарҳи бўлса, иккинчиси Имом Шотибийнинг қасидасига битган мазкур шарҳидир (Хайриддин Зириклий, 2002:35).

43)«ал-Фатҳ ар-Раҳмоний» («Раҳмоний фатҳ»). Сулаймон Жамзурий (ваф. 1198 х./1784

² Али Қори ҳаёти ва ижоди ҳақида қаранг: Муҳаммад Абдурахмон Шаммоъ. Мулла Али Қори: Феҳрис муаллафотиҳи ва ма кутиба ʼанҳу // «Офок ас-сақофат ва-т-турос», № 1. 1993. – 37 б.; Халил ибн Иброҳим Қутлай. Имом Али Қори ва асаруҳу фи илм ал-ҳадис аш-шариф. – Маккат ал-мукаррама: «Жоме Уммал-қуро», 1985. – 424 б.; Süleyman Dede. Molla Ali el-Kârî. Kiraat ilmindeki yeri ve el-Minehuʼlfikriyye fi-şerhiʼl-Mukaddimetiʼl-cezeriyye adli eserinin tahlili. Yüksek lisans tezi. – Konya: «Necmettin Erbakan üniversitesi», 2023. – 187 б.

м.) қаламига мансуб шарҳ. Унинг тажвидга оид «Тухфат ал-атфол» асари шуҳрат қозонган. Асарнинг тўлиқ номи «ал-Фатҳ ар-Раҳмоний шарҳ Канз ал-маоний би-таҳрири Ҳирз ал-амоний» («Ҳирз ал-амоний»нинг таҳриридаги маънолар ҳазинасини шарҳлашда раҳмоний фатҳ») дейилган бўлиб, 2005 йилда нашр этилган (Сулаймон ал-Жамзурий, 2005:281). Ушбу нашрдан маълум бўладики, Сулаймон Жамзурий томонидан аввал «Канз ал-маоний би-таҳрири Ҳирз ал-амоний» номли шарҳ битилади, кейин унинг мукаммаллаштирилган мазкур шарҳи яратилади.

44) «ал-Вофий» («Муфассал, тўлиқ»). Қози Абдулфаттоҳ Абдулғани (ваф.1403 х./1982 м.) қаламига мансуб шарҳ. Ушбу асар услубининг энгиллиги ва замонавий услубда шарҳланганлиги билан бошқа асарлардан ажралиб туради (Абдулфаттоҳ Абдулғани қози, 1999:400).

45) «Мухтасар булуғ ал-умнийя» («Орзуга етишнинг қисқа ифодаси»). Нуриддин Али ибн Муҳаммад Заббо Мисрий (1307-1380 х./1886-1961 м.) қаламига мансуб шарҳ (Али аз-Заббо). Муаллифнинг бундан бошқа кўплаб мўътабар асарлари мавжуд. Улар орасида «Такриб ан-нафъ фи ал-қироат ас-сабъ» («Етти қироат борасида фойдани яқинлаштириш») номли қироатлар ҳақидаги асари муҳим аҳамиятга эга. «Шотибия» қасидасига ёзган «Иршод ал-мурид ила мақсуд ал-Қасид» (Қасиданинг мақсадига муридни йўллантириш) ҳамда «Иншод аш-шарид мин маъаний ал-Қасид» («Қасида») номли шарҳлари «Шотибия»га ёзилган шарҳлар ичида алоҳида ажралиб туради. Шайх Али ибн аз-Заббо «Шотибия»га ёзилган шарҳларнинг қирқ бештасидан таҳсил олгани манбаларда келтирилган (Илёс Бармовий, 2000:236-340).

46) «Такриб аш-шотибия» («Шотибий маънолари тушунишга яқинлаштириш»). Ийҳоб ибн Аҳмад Фикрий Ҳайдар ибн Мусо ибн Исмоил қаламига мансуб асар. Муаллиф ҳижрий 1374 х.1955 м. йил зулҳижжа ойининг олтинчи куни Қоҳира шаҳрида таваллуд топган. У кўз тиббиёти факультетини тамомлаган. Шунингдек, «ал-Азҳар» университетида қироатлар мутахассислиги шаҳодатномасини ҳам қўлга киритган. Ийҳоб Фикрий қироат бўйича саккиз нафар фазилатли қироат шайхларидан таҳсил олган. Ўндан зиёд асарлар муаллифи ҳамда

Мадинаи мунавварадаги «Масжиди набавия»нинг Қуръон ва қироат бўйича мударриси Ийҳоб Фикрийнинг мазкур асари бир неча марта нашр этилган (Илёс Бармовий, 2000:52-57).

Шунингдек, Имом Шотибийнинг мазкур «Ҳирз ал-амоний ва важҳ ат-таҳоний» асарига такмила – қўшимча маълумотлар қўшиб тайёрланган асарлар ҳам мавжуд. Жумладан, Абулҳасан Али Киноний (ваф. 720 х./1320 м.), Шаҳобиддин Аҳмад аш-Шаръабий (ваф. 839 х./1435 м.) кабиларнинг такмилаларини мисол келтиришимиз мумкин. Мазкур қасида Муҳаммад Бокий Бухорий (XVII аср) томонидан ҳам Бухорода форс тилига таржима қилиниб, ўзига хос услубда шарҳланган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиш мумкинки, «Ҳирз ал-амоний»-нинг юздан ортиқ шарҳлари мавжуд. Уларнинг аксари бизгача етиб келган бўлса-да, айримлари ҳали-ҳануз қўлёзма фондларида нашр этилмасдан қолиб келмоқда. Айрим шарҳларнинг эса қўлёзмалари турли сабабларга кўра ўрта асрлардаёқ йўқ бўлиб кетган, баъзи бирлари эса муаллиф томонидан оққа кўчирилмай ёки тугалланмай қолиб кетган. Шулар орасида «Фатҳ ал-васид», «ад-Дуррат ал-фарида», «ал-Лаолий ал-фарида», «Иброз ал-Маоний», «Канз ал-маоний», «Сирож ал-қори» ва «ал-Вофий» каби араб тилидаги шарҳлар машҳур ҳисобланади. Асар ва унинг шарҳлари форс, турк, урду ва бошқа бир қанча тилларга таржима ҳам қилинган. Жумладан, юртимиз алломаларидан қасида Муҳаммад Бокий Бухорий томонидан ҳам XVII асрда Бухорода форс тилига таржима этилган (Муҳаммад Бокий Бухорий, 1914:500).

Умуман олганда, «Шотибия» асари Мовароуннаҳр мадрасаларида ҳам ўрта асрлардан то XX аср бошларигача бўлган мадрасаларда ўқитиб келинган. Бунинг натижасида мазкур асар ҳамда унинг шарҳлари ўрта осиелик талабалар ва илм аҳли томонидан катта қизиқиш билан ўрганилган. Бугунги кунда юртимизда уни чуқур биладиган ва асар маъноларини мукаммал ўзлаштирган қироат билимдонлари жуда кам. Шунинг учун, мазкур асарни ҳамда унинг муаллифининг ҳаёти ва ижодини ўрганиш долзарблигича қолмоқда.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдулфаттоҳ Абдулғани ал-қози. (1999). Ал-Вофий фи шарҳ аш-Шотибия фи-л-қироат ас-сабъ. Жидда: Мактаба ас-Саводий.
2. Абдулҳодий Абдуллоҳ Ҳамиту. (2005). Ал-Имом Абулқосим аш-Шотибий ва диросат ʻан қасидатиhi «Ҳирз ал-амоний» фи-л-қироат. Риёз: Дор азвоъ ас-салаф.
3. Али аз-Заббо. (2004). Мухтасар булуғ ал-умния. Танто: Дор ас-Саҳоба.
4. Али Қори. (2018). Аз-Зобития ли-ш-Шотибия ал-ломиа // Мажмуъ расоил ал-аллома ал-мулла Али Қори. Истанбул: Дор ал-Лубоб.
5. Ас-Самин Ҳалабий. (2001). Ал-Иқд ан-назид фи шарҳ ал-Қасид / Таҳқиқ: Айман Рушдий. Жидда: Дор нур ал-мактабот.
6. Ғазза бинти Ҳошим Муиний. (2014). Ал-Имом Абу Шома ал-Мақдиси ва манҳажуҳу фи китобҳи Иброз ал-маоний. Малайзия: Жоме ал-Мадина ал-оламия.
7. Жалолиддин Суютий. (2004). Шарҳ аш-Шотибия / Таҳқиқ: Абу Осим Ҳасан. Маккаи мукаррама: Муассаса Қуртуба.
8. Ибн Жазарий. (2006). Ғоят ан-нихоя фи табакот ал-қурро. Ж. 1. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
9. Ибн ал-Қосих. (1954). Сирож ал-қори ал-мубтадий. Қоҳира: Ҳалабий.
10. Иброҳим Муҳаммад ал-Жирмий. (2000). ал-Имом аш-Шотибий – Саййид ал-қурро. Дамашқ: Дор ал-Қалам.
11. Илёс ал-Бармовий. (2000). Имтоъ ал-фузало би-тарожим ал-қурро. Ж. 1. Мадинаи мунаввара: Дор ан-Надва.
12. Илмуддин ас-Саховий. (2002). Фатҳ ал-васид фи шарҳ ал-қасид. Ж. 4. Риёз: Мактабат ар-Рушд.
13. Исмоил бошо. (2017). Ҳадият ал-орифин. Ж. 1. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
14. Муҳаммад Абдурахмон аш-Шаммоъ. (1993). Ал-Мулла Али Қори: Феҳрис муааллафотиhi ва ма кутиба ʻанҳу // «Офок ас-сақофат ва-т-турос», № 1.
15. Муҳаммад Боқий Бухорий. (1914). Кашф Ҳирз ал-амоний. Тошкент: Порцев.
16. Муҳаммад ибн Абдулкарим. (2021). Манҳаж ал-Мунтажаб ал-Ҳамазоний // Мажалла ал-улам аш-шаръия. Жоме атл-Қусайм, № 14/6.
17. Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Аҳмад Самарқандий. Китоб ат-Ташхир ʻала тариқ ат-ташжир. ЎзР ФА ШИ-1, № 2561.
18. Сулаймон ал-Жамзурий. (2005). ал-Фатҳ ар-Раҳмоний шарҳ Канз ал-маоний би-таҳрири Ҳирз ал-амоний / Таҳқиқ Абдулраззоқ ибн Али. Қоҳира: Дор Ибн Аффон.
19. Хайриддин аз-Зириклий. (2002). Ал-Аълум. Ж. 8. Байрут: Дор ал-илм.
20. Хайруллоҳ аш-Шариф. (2000). Ибн Жубора ал-Мақдиси ва китобуҳу «ал-Муфид фи шарҳ ал-Қусид» // «Мажалла мажма ал-луғат ал-арабия». № 80/1. Дамашқ.
21. Ҳифзурраҳмон ал-Кумуллоий. (2018). Ал-Будур ал-музия фи тарожим ал-ҳанафия. Ж. 4. Дакка: Дор ас-Солиҳ.
22. Ҳожи Халифа Кашф аз-зунун. (1941). Ж. 1. Истанбул: Маориф.
23. Шамсиддин аз-Заҳабий. (1985). Сийар аълум ан-нубало. 23-жилд. Байрут: Муассаса ар-Рисола.
24. Шамсиддин аз-Заҳабий. (1997). Табакот ал-қурро. 3-жилд. Риёз: Марказ Малик Файсал.
25. Шихобиддин ал-Қасталоний. (2009). Мухтасар ал-Фатҳ ал-мавоҳибий фи манокиб ал-Имом аш-Шотибий. Жидда: Дор Ибн Касир.

REFERENCES

1. Abdulfattah Abdulghani al-Qadi. (1999). Al-Wafi fi sharh ash-Shatibiyya fi-l-qiraat as-sab'. Jeddah: Maktaba as-Sawadi.
2. Abdulhadi Abdullah Hamitu. (2005). Al-Imam Abulqasim ash-Shatibi wa dirasat 'an qasidatihi «Hirz al-amani» fi-l-qiraat. Riyadh: Dar azwa' as-salaf.
3. Ali az-Zabba'. (2004). Muxtasar bulugh al-umniya. Tanta: Dar as-Sahaba.
4. Ali al-Qari. (2018). Az-Zabitiya li-sh-Shatibiya al-lamiya // Majmu' rasail al-allama al-mulla Ali al-Qari. Istanbul: Dar al-Lubab.
5. As-Samin al-Halabi. (2001). Al-Iqd an-nazid fi sharh al-Qasid, ed. Ayman Rushdi. Jeddah: Dar nur al-maktabat.
6. Ghazza bint Hashim Muini. (2014). Al-Imam Abu Shama al-Maqdisi wa manhajuhu fi kitabhi Ibraz al-maani. Malaysia: Jami' al-Madina al-alamiiyya.
7. Jalaluddin as-Suyuti. (2004). Sharh ash-Shatibiya, ed. Abu Asim Hasan. Mecca: Muassasa Qurtuba.
8. Ibn al-Jazari. (2006). Ghayat an-nihaya fi tabaqat al-qurra. Vol. 1. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiya.
9. Ibn al-Qasih. (1954). Siraj al-qari al-mubtadi. Cairo: Halabi.
10. Ibrahim Muhammad al-Jirmi. (2000). al-Imam ash-Shatibi – Sayyid al-qurra. Damascus: Dar al-Qalam.
11. Ilyas al-Barmawi. (2000). Imta' al-fudala bi-tarajim al-qurra. Vol. 1. Madinah: Dar an-Nadwa.
12. Ilmuddin as-Sakhawi. (2002). Fath al-vasid fi sharh al-qasid. Vol. 4. Riyadh: Maktabat ar-Rushd.
13. Ismail Basha. (2017). Hadiyat al-Arifin. Vol. 1. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiya.
14. Muhammad Abdurahmon ash-Shamma'. (1993). Al-Mulla Ali al-qari: Fihris muaallafatihi wa ma kutiba 'anhu // «Afaq ath-thaqafa wa-t-turath», № 1.
15. Muhammad Baqi Bukhari. (1914). Kashf Hirz al-amani. Tashkent: Porsev.
16. Muhammad ibn Abdulkarim. (2021). Manhaj al-Muntajab al-Hamazani // Majalla al-ulum ash-shar'iya. Jami' atl-Qusaym, № 14/6.

17. Muhammad ibn Mahmud ibn Ahmad as-Samarqandi. Kitab at-Tashkhir 'ala tariq at-tashjir. Oriental Studies Institute in Tashkent, MS 2561.
18. Sulayman al-Jamzuri. (2005). al-Fath ar-rahmani sharh Kanz al-maani bi-tahrir Hirz al-amani, ed. Abdurrazzaq ibn Ali. Cairo: Dar Ibn Affan.
19. Khayruddin az-Zirikli. (2002). Al-A'lam. Vol. 8. Beirut: Dar al-Ilm.
20. Khayrullah ash-Sharif. (2000). Ibn Jubara al-Maqdisi wa kitabuhu «al-Mufid fi sharh al-Qusid» // «Majalla majma' al-lughat al-arabiya». № 80/1. Damascus.
21. Hifzurrahman al-Kumullai. (2018). Al-Budur al-mudiya fi tarajim al-hanafiyya. Vol. 4. Dakka: Dar as-Salih.
22. Haji Khalifa. Kashf az-zunun. (1941). Vol. 1. Istanbul: Maarif.
23. Shamsuddin Dhahabi. (1985). Siyar a'lam an-nubala. Vol.23. Beirut: Muassasa ar-Risala.
24. Shamsuddin Dhahabi. (1997). Tabaqat al-qurra. Vol.3. Riyadh: Markaz Malik Faisal.
25. Shihabuddin al-Qastalani. (2009). Mukhtasar al-Fath al-mawahibi fi manaqib al-Imam ash-Shatibi. Jeddah: Dar Ibn Kathir.

